


Байрамингиз муборак бўлсин!

ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИ — 8 МАРТ ВА УМУМХАЛҚ БАЙРАМИ — НАВРЎЗИ ОЛАМ БИЛАН ТАБРИКЛАЙМИЗ

ILM OLMOQQA INTILISH - HAR BIR MUSLIM VA MUSLIMA UCHUN QARZ-U FARZ

ЗАМУО ШАШМАСИ



ABDULLA QODIRIY NOMIDAGI JIZZAX DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI GAZETASI

* № 3 (199) * * 2012 YIL, MART *

ISSN-2010-9393

1993 YIL, 21 MARTDAN CHIQA BOSHLAGAN

Айни вақтда шуни алоҳида таъкидлаш керакки, оилани, ҳақиқатан ҳам, мустаҳкам оила қилиш, уни том маънода жамиятимизнинг ҳал қилувчи бўғинига айлантиришда хонадонларимизнинг чироғи, кўрки ва файзи бўлган Сиз, ҳурматли аёлларнинг ўрни ва таъсирини ҳеч нарса билан ўлчаб, баҳолаб бўлмайди ва бу вазифаларни адо этишда мен Сизларга, Сизларнинг улкан салоҳиятингизга ишонаман.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 8 Март — Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан йўллаган табрик сўзидан.

ТАНТАНАЛИ ЙИГИЛИШ

Институт Маданият саройида 8 Март — Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди.

Тантанали йиғилишни институт ректори, профессор О. Дўсматов кириш сўзи билан очди. Институт проректори А. Зокиров «Хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни» мавзусида маъруза қилди. Шунингдек, Бошланғич таълим

педагогикаси факультети декани, профессор Х. Тўрақулов, Табиатшунослик факультетининг 4-босқич талабаси, Улуғбек номидаги Давлат стипендияси совриндори А. Сафаров хотин-қизларимизни қутлуғ байрам билан муборакбод этдилар.

Институт ректори О. Дўсматов ишда ва ўқишда алоҳида ўрнат

кўрсатган бир қатор мураббий ва талаба қизларга институт Фахрий ёрликлари ва мукофотларини тантанали суратда топширди.

Йиғилишнинг бадиий қисмида муҳтарама оналар, мўтабар опа-сингилларимизни шарафловчи куй-қўшиқлар, бадиий лавҳалар намойиш этилди.

Р. САТТОВА.

АЁЛГА ЭҲТИРОМ

Дунё яралибдики, борлиқдаги жамийки гўзалликлар аёл билан ёнма-ён. Дарҳақиқат, аёл гўзаллиги, жозибаси, латофати ва ақли олдида лол қоламиз. Аёл борки, дунё мусаффо, ҳаёт беғубор, аёл борки, уйларимиз тинч, кўнгилларимиз хотиржам.

Аёл бу ҳаётнинг барча аччиқ-чучугини сиз билан баравар тотган умр йўлдош, маслакдош, фарзандлар онаси, аёл бу уйларимиз фаришталари.

Эрта саҳардан туриб ховлиларга сув сепган, саранжом саришта қилган, очик юз билан турмуш ўртоғини, болаларини ўқишга ва ишга кузатиб, ишдан қайтганида хурсанд бўлиб кутиб олган бу аёллардир.

Тунлари бешик ёнида ўтириб алла айтиб чиққан, ишдан ҳориб, чарчаб кайфияти бузилиб келган эрини ширин гаплар билан кайфиятини кўтарган, қайнонам — онам, қайнотам — отам, деб

беминнат хизматини қилган ҳам аёлдир.

Аёллар уйларимизнинг фаришталари, қалбимизнинг бекалари, дардимизнинг дармонларидир. Шу боисдан биз ҳар доим аёлларга эҳтиром кўрсатиб, уларни асрашимиз ва ардоқлашимиз зарур.

Нурпўлат ХОЛМОНОВ,
Биология йўналиши
3-босқич талабаси.

Институтимиз жамоаси умумхалқ байрами — Наврўзи оламни зўр шодиёналик билан нишонлади. Факультетлар ўз кўргазмаларини намойиш этдилар, бадиий ҳаваскорлик тўғарақлари аъзолари дилрабо қўшиқ ва рақс ижро этдилар, дошқозонда сумалак тайёрланди.

Суратларда — Наврўз байрамидан лавҳалар.

Х. НОСИРОВ суратлари.

Ушбу сонда:

4-DCI

ГОТ ОҚИМИ
ҲАҚИДА



БАШОРАТЛАР,
АФСУНЛАР...

5-DCI

МУНАВВАР
ОЛАМ ЗИЙНАТИ

ФАКТЛАР, РАҚАМЛАР

Институт Хотин-қизлар
қўмитаси фаолиятдан

АДАБИЁТ, САЊАТ —
МАЊНАВИЯТ ЎЧОҒИ

4-DCI

Байрам мушоираси

ИНСТИТУТДА НАВРЎЗ ШОДИЁНАЛАРИ



МАЪНАВИЙ ТАХДИДЛАРДАН ЭХТИЁТ БЎЛ, ЗАМОНДОШ!

ГОТ ОҚИМИ ҲАҚИДА

Мамлакатимизда ёш авлодни зарарли оқимлар таъсиридан ҳимоялаш, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашга катта эътибор қаратилмоқда. Бироқ афсуски, бугунги кунда гарбда пайдо бўлган, ёшлар ўртасида кенг тарқалиб бо-

турли кўринишларини акс эттирадиган сайтлар мавжуд: мусиқа, кино, адабиёт, маънавият, фотосанъат, рассомлик, мода, имидж, готик фестиваллар, готика журналлари, готик гуруҳлар ва фильмлар ёзувлари тушурилган CD-дисклар, кийим, пойафзал, кўғирчоқлар, тақинчоқ ва аксессуарлар сотиладиган махсус дўконлар пайдо бўлди. Ҳаттоки готика фестиваллари бўлиб ўтади, шундай фестиваллар Германияда Лейпцигга 1992 йилдан буён ўтказилиб келинади.

Готлар ҳаётини романтикасиз тасаввур қилиб бўлмайди. Баъзан ўз ғояларини романтика истаб юрган ёшлар ўртасида



раётган турли оқимларга мойиллик айрим ёшларимизнинг юриш туришида, табиатида кўзга ташланмоқдаки, бу ҳолатга эътиборсизлик билан қараб бўлмайди. Ҳозирги кунда ҳар бир бола бошқалардан ажралиб туришга, бошқаларга энг аъло ва ноъанавий кўринишга ҳаракат қилляпти. Ажабтовур кийинган ёки тирноғини турли рангларга бўяб, сочларини қандайдир тушунарсиз шаклда турмаклайдиган ёшларни кўрсак, бу шунчаки урф ёки услуб бўлса керак деб ўйлаймиз.

Аслида улар "ГОТ", "ЕМО", "ФЕНДОМ", "ХИППИ", "ЭКСТРЕМАЛ", "ХИП-ХОП", "ПАНК" каби ёшлар ўртасида оммавийлашиб бораётган мудхши, хатарли оқимлар вакиллари бўлиб чиқиши ҳам мумкин. Шулардан бири "ГОТ" бўлиб, дастлаб XII аср ўрталарида Францияда пайдо бўлган. Ўша даврдаги оқсуяк зодагонларнинг ўзига хос кийиниш услуби бўлиб, зулмат рангидеги кийимлар уларга ўзига хос салобат ва кўркемлик бахш этган. Азадорлар қиёфасини эслатувчи услубда кийиниш АКШ, АНГЛИЯ, ФИНЛАНДИЯ, ФРАНЦИЯ, ИТАЛИЯ, ЯПОНИЯ, шунингдек Осиёнинг айрим давлатларида ҳам ўсмирлар орасида урф бўлиб бормоқда. Фарбда қоп-қора кийинадиган эркекларни "готлар", аёлларни эса "готесса"лар деб аташади. Қоронғу тушиши билан улар ўз фаолиятларини бошлашади. Готлар учун тунги уйку таъқиқланган (тонгги 5 га қадар). ГОТлар тунни ташландик қабрстонларда ўтқизишади ёки кўчама-кўча изғиб юришади. ГОТ оқими вакиллари тун, зулмат одамларидир. Готлар ўлим ҳақида ўйлаб, ўлим мавзусида бахслашади. Уларнинг энг мудхши одатларини ташландик қабрстонларда кузатиш мумкин. Қабрлар устига ётишади, шамлар ёқиб майхўрлик ҳам қилишади. Энг ёмони, "готесса"лар қабрлар атрофида фахш ишлар билан ҳам шуғулланишади. "ГОТИКА" ўрта аср маданиятининг бир кўриниши сифатида гарбда шаклланган.

Готлар панк оқимидан кўп нарсани ўзлаштирганлар, панклардай ташқи кўринишга эга бўлишган, фарқи шундаки, готларнинг сочи ва кийимлари қора ранг, ок, қизил, алвон ранглар билан аралашган ҳолда кумуш тақинчоқлар тақиб юришган. Кейинчалик готлар ўз ҳаёт услубига эга бўлишди. 80-йиллар охири 90-йиллар бошларида готика ўзгарди ва санъатнинг яқин соҳалари — адабиёт, кино, фотони ўз ичига олди.

Интернет сайтида турли тестлар одатда юмористик бўлиб, улар жавоб берувчининг готиклигини аниқлашга хизмат қилади. Бундан ташқари интернетда готика субмаданиятининг



осонлик билан ёймоқчи бўладилар. Бу оқимни тарғиб этувчи шахслар ақлли бўлиб, ўзларининг янги вакиллари қачон ва қаердан қидиришни билишади. Улар инсон хиссиётларида таъсир этувчи омиллар — мусиқа, кино, расм, адабиётлар орқали "романтика" оламига олиб кирмоқчи бўлади. Ёшларга ҳаёт маъносиз, фақат хурсандчиликдан, беҳаёлик, шафқатсизлик, қора ранглардан иборат деб «сабоқ» берадилар. Улар жамиятдан ўзларини олиб қочадилар, охириқабат жамиятдан ажралиб қоладилар. Агар кимдир шундай оқимларга қўшилганлигини билсангиз, у билан кўпроқ мулоқот қилинг ва унга бошқа ташкилот ёки спорт тўғаракларини тавсия этинг.

Ёшларнинг тарбиясига, уларнинг маънавиятига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳар қандай ҳолатлардан эҳтиёт бўлишимиз лозим. Юртбошимиз Ислон Каримов ўзининг "Юксак маънавият — энгилмас куч" асарига ҳам "оммавий маданият" ниқоби остида юртимизга кириб келаётган бундай иллатларнинг олдини олиш борасида... Бугунги замон воқеликка очик кўз билан, реал ва хушёр қарашни, жаҳонда ва ён-атрофимизда мавжуд бўлган, тобора кучайиб бораётган маънавий таҳдид ва хатарларни тўғри баҳолаб, улардан тегишли хулоса ва сабоқлар чиқариб яшашни талаб этмоқда", деб таъкидлаганлар.

Ўзбекларда бир мақол бор — "касаликни даволагандан кўра, унинг олдини олган маъкул". Кўпгина давлатларда оқимнинг мазмун-моҳиятини англаб, унга қарши текшириш чора-тадбирлар кўриб келинмоқда. Бу борада мустақил Ўзбекистонимизда кўплаб ёшлар ижтимоий ҳаракатлари мавжуд бўлиб ёшларни янада олға интилишга ундайди ва ёшларда маънавий таҳдидларга қарши туриб маънавий иммунитетни ривожлантиради. Бундай ташиқлотлар фаоллик билан ишламоқда ва биз тенгдошларимизни маънавий таҳдидлардан яна бир бор огоҳликка қақирамиз.

Мирзоҳид АКРАМОВ, Тарих йўналиши 1-босқич талабаси.

ТАЛАБА ТАДҚИКОТ ЙЎЛИДА

ҲАЁТ ВИТАМИНЛАРИ

Витаминлар организмнинг нормал ҳаёт кечириши учун зарур бўлган биологик фаол моддалар ҳисобланади. Организм учун оксиллар, ёғлар, углеводлар ва сув қанчалик керак бўлса, витаминлар ҳам шунчалик даражада зарурдир ва витаминларсиз тирик организм яшай олмайди ҳамда узоқ вақт организмга витамин етишмаса касаллик келиб чиқади.

Бу ҳаёт заррачалари организмга шунчалик фойдаси каттаки витаминларнинг жуда оз миқдори ҳам организмга шифобахш ва фойдали ҳисобланади.

Витаминлар болалар ва ўсмирлар ҳаёт фаолиятида яъни уларнинг ўсиш ва ривожланишида муҳим аҳамиятга эга.

Витаминларнинг яратилишида ҳам кўпгина олимлар чуқур илмий изланишлар олиб боришган ва кўплари буларсиз ҳаёт нормал бўлмаслигини ва организмни яшай олмаслигини таъкидлашган.

XX асрнинг бошларида кўпгина олимларни илмий изланишларга ундайди ва витаминларни улар аниқ кўрсатиб бера олмайдилар.

XX асрнинг бошларида яъни 1912 йилда польшалик олим К.Функ бу сирли моддани топди ва у моддани витамин деб номлади (Вита — ҳаёт деган маънони билдиради). К. Функ витаминларни аниқлашда капталлар билан куйидаги тажрибани синаб кўрди.

Капталларга фақат оқланган гуруч бериб турди, шунда уларни дахшатли талвага тутди, улар бошларини орқага эгиб, оёқларини тегашга кўтариб қотиб қолишди. Олим бу вақтда гуруч кипиладан сарғимтир кристал моддани олган эди ва бу модда жуда оз миқдорда эди холос. Функ тезда ана шу моддадан бир неча миллиграммини касалланган капталларга юборди. Жуда қизик воқеа рўй берди. Капталлар кечга бориб тузалди ва бутунлай соғайиб кетди. Шунда Функ ўша сеҳрли моддани толганлигини тушунди ва бу моддаларсиз нормал ҳаёт кечириш мумкин эмаслигини англаб етди.

Ушандан бери витаминларни аниқлашда кўпгина кашфиётлар қилинди. Уларнинг айрим махсулотлардаги миқдори маълум бўлди, витаминлар химиявий йўл билан соф ҳолда ажратиб олинди, аҳоли айрим гуруҳларнинг витаминларга эҳтиёжи аниқланди.

Витаминларнинг 40 дан ортық тури бўлиб, уларнинг ҳар бири одам организмда муҳим физиологик вазифани бажаради. Куйида витамин турларини



ва улар бажарадиган вазифалар ҳақида тўхталсак.

А, В₁, В₂, В₅, РР, С, Д, К витаминларининг айримлари ўсимлик махсулотларида, айримлари ҳайвон махсулотларида, шунингдек, ҳам ўсимлик, ҳам ҳайвон махсулотларида учрайдиган турлари ҳам мавжуд.

Масалан, А витамини одам организмнинг нормал ўсиб, ривожланишида ва кўзнинг равшанлигини таъминлаш вазифасини бажаради.

В₁ витамин эса ақлий иш фаолиятини нормал ўтишида муҳим аҳамиятга эга.

РР (никотин кислота) хужайра ва тўқималарда моддалар алмашинувини нормал ўтишида муҳим аҳамиятга эга.

Д витамини эса организмда ёш болаларнинг суяк системасини нормал ривожланишини таъминлайди.

Юқорида айтилган ўсимлик ва ҳайвон махсулотларидан тайёрланган озик-овқат махсулотлари ҳар бири турли хил витаминларга эга бўлиб, юқорида таъкидланганидек муҳим ҳаётий функцияларни бажаради.

Витаминлар айниқса сабзавот махсулотларида: сабзи, қарам, редиска, саримсоқ пиезларда ва кўклатлар таркибида, сут ва сут махсулотлари таркибида, ҳайвонлар махсулотларидан: тухумда, гўштда ва мол жигарида кўп бўлади.

Баҳор келиши билан организм табиий ҳолда холсизланади, дармонсизланади, уйку босади ва тери қуруқлашиб ёрилади. Бунга асосий сабаб шуки, баҳорда организм юқорида келтирилган витаминларга эҳтиёж сезади.

Шундай экан, баҳорда организм

яхши ҳаёт фаолияти олиб бориши учун сабзавот ва кўклатлардан, сут ва сут махсулотларидан мунтазам истеъмол қилиш керак.
Масалан, сутнинг аҳамиятини ола-

диган бўлсак, сут таркибидаги кальций ва магний енгил сингадиган, асосан лимон кислота тузлари сифатида бўлади. Бундан ташқари яна фосфор ва организм учун зарур бўлган микроэлементлар, жумладан руҳ бор.

Сут, айниқса витамин В₂ га бой (ўртача 0,15 мг фойз), у катта ёшли кишининг витаминга бўлган суткалик эҳтиёжининг ярмини қондиради. Сут истеъмол қилган одамнинг кун бўйи тетик юриши боиси ҳам шунда.

Витамин етишмаслиги кўпинча ҳомилдор аёлларда ва эмизикли оналарда, болаларнинг ўсиш даврида ҳамда кексаларда учрайди ва улар витаминларга бой махсулотлардан истеъмол қилишлари ёки дорихоналардан тайёр витаминларни олиб ичишлири тавсия этилади.

Шуни ёдда тутиш керакки, витаминлар биологик актив модда ҳисобланади, уни ортықча истеъмол қилиш организмда захарланиш аломатларини пайдо қилиши мумкин. Масалан, витамин А ва Д ни ҳаддан ташқари кўп қабул қилганда кўнгул айнийди, қайт қилади ва боши оғрийди.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, витаминлар — инсоннинг ўсиши ва ривожланишида, ақлий фаолиятида ва яхши ҳаёт кечиришида муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаш билан бирга витаминларни меъёрида истеъмол қилиш инсонни тетик ва хушқачқак бўлишига олиб келади.

Ҳар биримиз табиатнинг рад этиб бўлмас ушбу мўжизасини, яъни витаминларни одам ҳаёт фаолиятини таъминловчи биологик актив модда эканлигини ёдда тутишимиз керак.

Суннат НОРКУЛОВ,
Биология йўналиши 2-босқич талабаси.

ЎКИНГ, КИЗИК! БАШОРАТЛАР, АФСУНЛАР...

Бу инсонлардаги ноёб қобилият олимлар учун ҳамон ечими йўқ жумбоқлигича қолмоқда. Улар аслида ким? Мохоратли афсунгарларми ёки учига чиққан фирибгарларми? Эҳуд иккала сифатни ҳам ўзига муҷассам этган уддабуронлар?...
Шу нарсани аниққи, гаройиботга қизиқиш кун сайин ортиб бораётган бир вақтда буларнинг сирини фош қилишдан ҳеч ким манфаатдор эмас.

Нострадамус — ҳақиқий исми Мишаел де Нотрдам. 1503 йил 14 декабрда Сен-Реми (Прованс) шаҳрида таваллуд топган. Аждодлари орасида машҳур табиблар кўп бўлган. Юлдазларга қараб башорат қилган. 63 ёшида ҳаётдан кўз юмган Нострадамус мактабда ўқиб юрган чоғларидаёқ "жажжи мунажжим" сифатида машҳур бўлган.

Роҳиб Авел — 1757 йилнинг 18 мартинда Тула вилоятининг Акулово қишлоғида таваллуд топган. Авелнинг ишонтариб айтишича, гўёки кунларнинг бирида номаълум кўлар уни самога олиб чиққан ва ўша ерда унга иккита китобни кўрсатишган. Авел ерга кайтганидан сўнг бу китобларнинг мазмунини одамларга етказишга ҳаракат қилади. 1787 йилнинг март ойидан бошлаб унга гойибдан овозлар келади ва бундан бу ёғига Авел келажакдаги барча ишларини ўша овозга бўйсунган ҳолда амалга оширади. Хуллас, билибми ё билмай у Екатерина II, Павел I нинг ўлимини, французлар томонидан Москванинг ёндирилишини ва бошқа кўплаб ҳодисаларни башорат қилган.

Эрик Вайс — 1874 йилнинг 24 март кuni Будапештда таваллуд тоғди. Гарри Гудини сифатида шўҳрат қозонган. У перитонит касаллиги туфайли 1926 йил 31 октябрда оламдан ўтган. Гарри кулф солиingan юк машинаси контейнеридан, улкан қорғоз қоп ичидан (уни йиртмасдан) ва ҳатто қамқоқ камераларидан соғ омон чиқар эди. 1918 йил Нью-Йорк ипподромида Гудини фил билан гойиб бўлиш томошасини намойиш этган.

Вольф Григоревич Мессинг — 1899 йил 10 сентябрда Варшава яқинидаги манзилгоҳда таваллуд топган. Берлиндаги Паноптикумда фаолият юрит-

ган. У ўз фаолияти юзасидан Фрейд, Эйнштейн, Махатма Ганди ва ўша даврнинг бошқа намояндалари, хусусан, Сталин билан бир неча мартаба учрашган. 1939 йил иккинчи жаҳон уруши бошланиши билан собиқ иттифоққа қараб қочган. Уруш йилларида эса ўз ҳисобидан иккита самолёт кўрдирган. 1953 йили Мессинг Сталинга унинг яхудийлар байрами кuni оламдан ўтишини башорат қилади ва ундан яхудийларни таъқиб қилишни тўхтатишни сўрайди. Унинг башорати тўғри чиқади. Мессинг 1974 йилнинг 8 ноябрида узоқ ялтиқлини туфайли оламдан ўтган. Яқинларининг гапларига қараганда, у қачон ва қайси соатда дунёдан кўз юмишини олдиндан билган.

Ванга (Вангелия Пандева Гуштерова) — 1911 йил 31 январда Струмита шаҳрида дунёга келган. Гувоҳларнинг сўзларига қараганда, Ванга одамлардаги барча касаликларни айтиб бериш қобилияти эга бўлган. Келажакни башорат қилган.

Ури Геллер — 1946 йилнинг 20 декабрида Тел-Авивда таваллуд топган. Сайёрамиздаги ноёб қобилиятга эга машҳур инсонлардан бири. Қарийб 40 йилдан ошибдики, Геллернинг паранормал қобилияти бутун дунё олимларининг эътиборини жалб қилиб келмоқда. Ури учун компас милини ҳаракатлантириш, темир бўлагини шам мисол эриштиш ва букиш, йиллар давомида тўхтаб турган соатларни қайта ҳаракатга келтириш ҳеч гап эмас. 1991 йилда Ури минглаб одамларнинг кўз ўнгида қурилган вақтидан бошлаб бирон мартаба тўхтамаган Лондондаги Биг Бен соатини тўхтатиб қўйган.

Жуна Давиташвили — 1949 йилнинг

22 июлида Краснодар ўлкасида дунёга келган. Олимларнинг таъкидига қўра, Жунанинг қўли теккан яра тузалган, беморлар шифо топган. Жуна бир вақтлар илмий институтларнинг йирик намояндаларига абадий ёшлик сирини топганлиги, шу боис ҳеч қачон қаримаслигини айтган экан.

Девид Копперфилд — 1956 йил 16 сентябрда Америкада таваллуд топган. 18 ёшида телевидениега тақдир этилиб, "Девид Копперфилднинг сеҳр-жодуси" дастурига бошловчилик қилган. Таниланидан сўнг эса "СБС" каналига ўтиб кетган ва ўша ердаги дастурларнинг бирида самолётни гойиб қилиш томошасини кўрсатган. Шундан сўнг Девид миллионлаб кишиларнинг кўз ўнгида Озоқлик ҳайкалинини гойиб қилган эди.

Крисс Энжел — Иллюзионистнинг ҳақиқий исми — Кристофер Николас Сарантакос. У нафақат афсунгар, балки, артист, кўшиқчи ва мусиқачи ҳамдир. Крисс ташиқл этадиган шуолар қутилмаган воқеа-ходисалар ва гаройиб мусиқалар билан ажралиб туради. Энжел сув устида юра олади, учиш қобилиятига эга. Қилич билан иккига бўлиб ташлаганда ҳам қайта тирилган. Крисс Энжел бир сўз билан айтганда, реаллик чегарасидан чиқадиган инсон.

Девид Блейн — 1973 йил 4 апрелда Америкада таваллуд топган. 1999 йилда пластик контейнерда тириклигин кўмиш, 2000 йилда музга қўмиш томошаларини кўрсатган. Сув остидан энг узоқ вақт нафас олмай турган инсон сифатида рекорд ўрнатган. Охириги кўрсатган томошасида юмалоқ аквариум ичида 7 кун яшаган. Ҳаво ва суяқ овқатлар унга махсус шланг ёрдамида етказиб берилган. "Зиндон" ни тарқ этаётган Блейн яна бир бор ўзини кўрсатиб қўйиш максасида ҳаво етказиб турган шлангини оғиздан қўйиб юборади. Етти дақиқадан сўнг иллюзионистнинг ранги қўкиш тус олади, у ҳушини йўқота бошлайди. Томошабинлар эса унинг бу ҳаракатини қаҳрамонлик эмас, шунчаки оддий бир ҳазил сифатида қабул қилишганди...

Матбуот саҳифаларидан Гавҳар Ахмадова нашрга тайёрлади.

Жаннат оналар оёғи остидадир

МУНАВВАР ОЛАМ ЗИЙНАТИ

Аёл – инсоният бешигини тебратётган она, мард ва жасур фарзандларни тарбиялаётган муқаддас зот.

Барчага аёнки, соғлом онадан соғлом фарзанд туғилади. Соғлом фарзанд эса, жамият ютуғидир. Шу боис, мамлакатимизда мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидаёқ аёллар саломатлигини мустахкамлаш, оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, жисмоний, интеллектуал ҳамда маънавий жиҳатдан етук авлодни вояга етказишга қаратилган ислохотлар амалга оширилиб, бу ислохотлар бугун ўзининг юксак самарасини бераётгани барчамизни қувонтиради.

Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 13 апрелдаги "Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги, 2009 йил 1 июлдаги "2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустахкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида"ги қарорларига мувофиқ мазкур йўналишдаги ишлар самарадорлиги босқичма-босқич юксалиб бормоқда.

Хусусан, аёлларни соғломлаштириш, хотин-қизлар ва болаларга тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича халқаро стандартларни амалиётга жорий этиш, тиббиёт ходимларини ўқитиш, оилада тиббий маданиятни шакллантиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

2011 йил охирида пойтахтимизда "Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели: "Соғлом она – соғлом бола" мавзусидаги халқаро симпозиум бўлиб ўтди. Ушбу нуфузли анжуманининг айнаи мамлакатимизда ўтказилганлиги эса, Ўзбекистонда оналар ва болалар саломатлигига қаратилган мислсиз гамихўрликнинг халқаро эътирофи бўлди.

Мамлакатимизда аёлларимиз эришаётган муваффақиятлар ҳақида ҳамиша тўлқинланиб гапирсак арзийди. Истиқлол тўғрисида опа-сингилларимизнинг жамият ҳаётидаги фаоллигини таъминлаш учун барча имконият ва имтиёзлар яратилди. Бу эътибор замирида эса, ҳеч шубҳасиз, аёл зотига, аввало, онага қайноқ меҳр кўрсатиш гоёси ётади.

Зотан, Президентимиз айтганларидек, "Кўнглимиз фариштаси, хонадонимиз чироғи, оила таянчи бўлиш аёл сиймоси халқимиз тасавурида азал-азалдан эзгулик ва фидоийлик тимсоли бўлиб келади. Токи аёлларимиз биздан рози ва мамнун бўлиб, бахтли ҳаёт кечирсин. Зеро, оналарнинг, аёлларнинг бахти – оиланинг, халқимизнинг, бутун Ўзбекистонимизнинг бахтидир".

Аёлларга бўлган юксак эъзоз ва эътиборни ҳар йили Президентимиз фармонлари билан кўлаб хотин-қизларнинг юксак унвонларга, орден ва медалларга сазовор бўлаётганида ҳам кўриш мумкин. Зеро, бутун юртимиз шон-шурати, иқтисодий салоҳиятини юксалтиришга, мустақиллигимизни мустахкамлашга улкан ҳисса қўшиб, ўзининг фидокорона меҳнати билан ватанимизнинг олий мукофоти – "Ўзбекистон Қаҳрамони" деган шарафли номга сазовор бўлаётган аёллар сафи тобора кенгаймоқда. Санъат, илму фан, спортга қаратилган гамихўрлик тўғрисида ушбу соҳаларда ўз иқтидорини кўрсатаётган хотин-қизларимиз ҳам мамлакат доғруғини юксалтирмоқда.

Ҳар йили 8 Март байрами арафасида иқтидорли қизларимизнинг етук, баркамол, етакчи ёшлар сафини тўлдириб, Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланиши ҳам юртимизда ёш авлод вакиллариغا кўрсатилаётган алоҳида гамихўрликнинг ёрқин намунаси.

2012 йил мамлакатимизда Юртбошимиз ташаббуси билан "Мустаҳкам оила йили" деб аталди. Азал-азалдан халқимиз учун муқаддас саналган оиланинг янада мустаҳкам бўлишида аёлларнинг ҳиссаси бекиёс. Оилада муҳит соғлом экан – жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан – мамлакат барқарор. Шу маънода, Президентимизнинг Конституциямиз қабул қилинганининг 19 йиллигига бағишланган тантанادا алоҳида таъкидланган мана бу сўзлари аёллар учун ниҳоятда қадрли ва аҳамиятлидир: "Оила олдида турган вазифаларни ҳар томонлама амалга ошириш – авваломбор, моддий, маънавий, бугун ўта долзарб бўлиб бораётган тарбиявий муаммоларни ечиш, оиланинг барча-барча ташвишларини осонлаштириш каби муҳим масалаларни ҳал этиш билан боғлиқ эканини, ўйлайманки, ҳаммамиз яхши тушунамиз. Айнаи ана шундай масалаларни ҳал этиш

ҳар қайси оиланинг юкини ҳеч нолимасдан, ҳаётга шукрона қилиб, ўз елкасида кўтариб келаётган, оила кўргонининг ҳам чиройи, ҳам чароғбони бўлган аёл зотининг, опа-сингилларимизнинг оғирини енгил қилиш билан баробар эканини эсимиздан чиқармаслигимизни истардим".

Институтимиз хотин-қизлари ҳам таълим соҳасида олдимизга қўйилган вазифаларни бажаришда ҳормай-толмай меҳнат қилиб келмоқдалар. Ҳозирги кунда 3900 нафар талаба-қизларимиз, 143 нафар профессор-ўқитувчиларимиз кенг қамровли хайрли ишларда қамарбаста. Улардан 3 нафари — Фания Аҳмедшина, Бахти Очилова, Зулфия Пардаева фан доктори, профессор, 30 нафардан зиёд фан номзодлари ва доцентлардир. Фақатгина 2011 йилда 8 нафар ёш иқтидорли ўқитувчилардан Санаева Лола, Исमतова Наталья, Яхшиева Зухра, Атамуродова Роҳила, Эшонқулова Сурайё, Ибрагимова Фазилат, Туракулова Ирода, Мўминова Наргизалар номзодлик диссертацияларини муваффақият билан ҳимоя этдилар. Ўқитувчиларимиздан Камолова Ширин ва Абдувалиева Дилнозалар фан номзоди даражасини олиш учун илмий ишларини тугалладилар. Талаба қизларимиздан Абдураҳмонова Ирода Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори, дэодо спорт тури бўйича 7 карра Ўзбекистон чемпиони, Матмуродова Ирода шу спорт тури бўйича 8 карра Ўзбекистон чемпиони. Хорижий тиллар факультети талабаси Норқўзиёва Турсун, тарих факультети талабаси Муродова Комилалар Навоий стипендиаси соҳибалари. Педагогика-психология факультети талабаси Соатова Шохиста "Келажак овози" танлови республика босқичи иштирокчиси.

Институтимизда барча ёшларга ўз хулқи, одоби, ўқиш ва жамоат ишларида фаол иштироки билан барчага ибрат бўлиб келаётган иқтидорли талаба-қизлар сафи тобора кенгайиб бормоқда.

Фурсатдан фойдаланиб, 8 Март Халқаро Хотин-қизлар байрами билан барча меҳрибон оналаримиз, опа-сингилларимиз ва азиз талаба қизларимизни яна бир бор самимий кулгайман.

А. ТАҒИРОВ,
Маънавий-маърифий ишлар проректори.

ФАКТЛАР, РАҚАМЛАР

Институт Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятдан

Халқаро Хотин-қизлар байрами муносабати билан бошланғич таълим педагогикаси факультетида "Қулиб яшанг аёллар" байрам тадбири ўтказилди. Тадбирда "Хотин-қизлар жамиятининг фаол иштирокчиси", "Оналар бор олам кўшиқхонадир", "Аёл билан олам мунаввар" мавзуларида маърузалар тинглади ҳамда 2-курс талабалари ижросида концерт дастури қўйилди.

8 Март — Халқаро хотин-қизлар байрами муносабати билан "Баҳор маликаси" мавзусида барча факультетларда курслараро кўрик-танлов ўтказилди. Кўрик-танловда томошабин сифатида мингдан ортиқ талабалар қатнашди, фаол иштирок этган талаба-қизлар дипломи ва эсдалик совғалар билан тақдирландилар.

2011 йил сентябрнинг биринчи ўн кунлигида талаба-қизларнинг соғлиги, жисмоний ривожланишини ўрганиш мақсадида, тиббий муолажага муҳтож талабаларга тиббий ёрдам кўрсатишни ташкил этиш, юқумли касалликларни олдини олиш мақсадида институт Ибн Сино саломатлик маркази, "Камолот" ЁИҲ бошланғич ташкилоти ҳамкорликда талаба-қизларни ёппасига тиббий кўриқдан ўтказилди.

2011 йил 4 ноябрда институт Хотин-қизлар кўмитаси, Ибн Сино саломатлик маркази, Табиатшунослик факультети хотин-қизлар кўмитаси, I-сонли Оилавий поликлиника шифокорлари ҳамкорликда "Соғлом қизлар – жамият таянчи" мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Давра суҳбатида 300 дан ортиқ талаба-қизлар ва профессор-ўқитувчилар иштирок этди.

2011 йил 10 декабрда институт Хотин-қизлар кўмитаси, барча факультетлар Хотин-қизлар кенгашиларини ҳамкорликда "Экология-инсон саломатлик" мавзусида семинар-тренинг ўтказди. Семинарда кимё-экология йўналиши талабалари ва профессор-ўқитувчилари фаол иштирок этишди.

Бош вазир ўринбосари, Республика Хотин-қизлар кўмитаси раиси Э. И. Баситханова институтимизга таширф буюриб, профессор-ўқитувчилар ва талабалар билан мулоқотда бўлди. Институтимиз меҳмони талабалар билан суҳбат жараёнида институтда яратилган шарт-шароитлар, ёшларнинг билим олиши учун кўрсатилаётган гамихўрликлардан бохабар бўлди. Талабаларда бўлиб ўтган суҳбат ва учрашув катта таъсирот қолдирди.

Институт Хотин-қизлар кўмитаси қошида фаолият кўрсатаётган "Ораста қизлар" клубида "Мустаҳкам оила йили" муносабати билан "Оила жамиятининг асосий бўғини" мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Унда Жиззах туман ФХДБ бўйини мудираси З. Қосимова ҳамда институтнинг фаол хотин-қизлари иштирок этишди.

Хотин-қизлар кўмитаси, маънавий-маърифий бўлим, институт Ибн Сино саломатлик маркази ҳамкорликда "Камқонлик", "Буқоқ", "Оналик ва болаликни муҳофаза қилишда тўғруқ ёшдаги аёлларда тиббий кўриқнинг аҳамияти" мавзуларида давра суҳбатлари ўтказилди.

Табиатшунослик ва география факультетида тахсил олётган талаба-қизлар ўртасида ахлоқий тарбия ишларини такомиллаштириш, бундай ишларнинг самарадорлигини кучайтириш мақсадида "Бугунги талаба-эртанги она" мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Институт хотин-қизлар кўмитаси, Ўзбек филологияси факультети хотин-қизлар кўмитаси, шаҳар хотин-қизлар кўмитаси, шаҳар ақшерилик комплекси ходимлари ҳамкорликда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2011 йил 9 февралдаги № 87-03-257 сонли буйруғи ижросини таъминлаш мақсадида "Соғлом она, соғлом бола-миллат гарови" мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Хотин-қизлар кўмитаси, Педагогика-психология, МТБС, Дефектология ва Мусиқа йўналиши талабалари ҳамкорликда "Мустаҳкам оила йили"га бағишлаб "Энг сочи узун қиз" мавзусида байрам тадбири ўтказди. Тадбирда иштирокчи талаба-қизлар 5 номинация асосида қатнашдилар.

Институт хотин-қизлар кўмитаси, Педагогика факультети жамоаси Педагогика кафедраси қошида ташкил этилган "Ораста қизлар" клубининг "Режали ва тежамкор бўлиш" мавзусида амалий тадбири ўтказилди.

БАДИЙ АСАРЛАРДА — ХОТИН-ҚИЗЛАР ҲАЁТИ

Офтоб нури энг аввало юксак қояларга етиб боради. Улкан чўққиларнинг ёғду санчилган қирралари ногаҳон яраклаб кетади, гўёки, куёш ўз шуъласи билан шу баландиқлар жамолини ҳар тонгда қайта кашф этгандек туюлаверади.

Адабиёт ҳам худди қуёшга ўхшайди. Унинг кучи ёки биргина сатрининг қуввати қалбларимизда яшириниб ётган туйғуларга туртки беради, сакраб уйғонгандек бўламиз. Бу уйғоқлик эса бизни катта мақсадлар сари чорлайди, улуг йўллар сари етаклаб боради. Бир сўз билан айтганда, адабиёт дунё ва маънавий оламимиз ўртасидаги мустаҳкам кўприқдир.

Ўз ижодини ҳикоя ёзишдан бошлаган Ўлмас Умарбеков биринчи пьесасини театрга 60-йилларнинг охирида олиб келган бўлсада, жуда қисқа вақт ичида у энг сермахсул драматурглар қаторидан ўрин олди.

Ўлмас Умарбеков ўз ижодий фаолияти давомида бадиий дурдоналар яратиб, атоқли ёзувчилар қаторидан муносиб ўрин ола билди. Ўзининг бой ижоди билан миллий санъатимизни ривожлантириб унинг ҳаётонга танилишида ҳам салмоқли ҳисса қўша олган адиблардан десак муболага бўлмайди.

Ёзувчи ижодида ёшлар ҳаёти, фаолияти ва уларнинг характеридеги ор-номус, меҳр-садоқат, инсонийлик масалаларига бағишланган асарлар масъулият билан яратилганлигини кузатиш мумкин. Айнаи 1994 йили нашрдан чиққан "Фотима ва Зухра" асари адибнинг бу борадаги изланишларининг самарасини белгилаб берди. Романд кўтарилган мавзулар долзарб бўлиб, асар ўзига хос характерда ва тилининг соддалиги билан тез орада китобхонлар эътиборини тортган эди. Асар "Шарқ юлдузи" журналича босилиб чиққанидан сўнг, орадан кўп ўтмай Муқимий театри томонидан театр сахнасида олиб чиқилди.

АДАБИЁТ, САНЪАТ – МАЪНАВИЯТ ҲУДОФИ

Ўлмас Умарбековнинг "Фотима ва Зухра" асарини ўқиб...

Спектакл Абдулла ака хонадони кўриниши билан бошланади. Оддий қишлоқ ховлиларидан бири. Уйларнинг бир четида молхона кўзга ташланади. Ховли ўртасида бир тўп мажнунтол, унинг сояси тагига супа ўрнатилган. Бир қарашдаёқ, саранжом-сарипшталли, осойишта оилавий муҳит намоен бўлади. Қишлоқ мактабларининг бирида муаллим бўлиб ишлайдиган Абдулла ака хонадонидида бугун байрам. Бу кун унинг сеvimли қизлари

этилади. Фотима номусини сақлаб қолиш учун қанчалик ҳаракат қилмасин, безорилар олдида ожизлик қилишни кучли, ҳаяжонли драматизмда ёрқин ифодасини топади.

Спектаклда ўзига хос, томошабинларни ҳайратга соладиган образлар яратилган. Айнаиқа бир-бирига жисман ўхшаш, табиати умуман икки хил қизлар талқини гоё эътиборли. Фотима образи ижросида самимий, ҳар гапни ўйлаб гапирадиган, ҳаётда аниқ мақсадига эга, лекин шу билан бирга кўнгли бўш қизни кўрамиз. Зухра эса жуда шаддоқ, жасур, қийинчиликлардан кўрмайдиган қиз. Таҳқирланган, номуси поймол қилинган, барча орзу-умидлари оёқ ости бўлган Фотиманинг саҳнада пайдо бўлиши, кўзлари жовдираб яқинларини қидириши, уларнинг йўқлигини билгач, бир варақ қоғозга шоша-пиша хат ёзиб, девордан арқонни олиб оғилхона томон юришида аянчли ҳолатлар мужассам бўлади. Боқира ифқатининг топталиши ва бунга қарши исён актриса ижросида жуда таъсирли талқин топади. Бу муҳиш фожеа шаддоқ, олов қиз Зухранинг табиатида бурилиш ясаиди. Энди у курашчан, бўйсунмас Зухра киефасида саҳнада намоен бўлади. Зухрадаги ҳаёт тақозоси билан рўй берган бу ўзгаришлар актриса ижросида ишонарли тарзда ўз исботини топади.

У Фотимани топиш мақсадида у билан аҳд-паймон қилган Рамзга қарата "Шошмай турсин қотилларни ўзим топанам" дейди. Зухра "зарур бўлиб қолса ёрдам берасанми?" деган сўзларига Рамздан "улар кўпчилик, иккаламизни ҳам ўлдириб юборади" деган жавобни олади. Бу жавобдан сўнг Зухра

Рамзга қарата: Бўлди, тушунарли, гапимиз шу ёрда қолсин. Ҳеч кимга айтиб юрма, сенга жавоб; сўзларини айтиб, мардонавор қотилларни жазолашга киришади.

Эътибор берайлик, севгилсини кўча безорилари нобуд қилганини эшитган Рамз ўзининг жони хатарга қолишидан таҳликага тушади. Ҳаттоки, ўз жонини деб бир зумда севгилсини унутишга ҳаракат қилади. Агар Рамзда ор-номус ва виждон бўлганида ёки муҳаббатнинг қадрига ета олганида эди, у Зухра томонида туриб астойдил қотилларга қарши курашган бўлар эди. Мардлик белбоғини маҳкам боғлаган Зухра қиефасидаги актриса номус ва виждон йўлида опаси ва отасининг ўчини олишга, қалбидеги нафрат ўтини, қасос йўли билан ўчириш ниётида қотилларга қарши қақшатқич зарба беради. Бу мардлик томошабинлар кўз ўнгида ўзбек қизининг мустаҳкам иродаси ибрат тарзида яққол намоен бўлади.

Айтиш лозимки, Ўлмас Умарбеков турли жанрларда ижод қилар экан, ўзига замондош ёшлар образидеги ор-номус, садоқат ва бурч, инсонийлик хислатларини турли қиефаларда намоен этишга интилиб келган. Драматик асарларида ҳаракатни ўзи яратган қаҳрамонининг руҳий ҳолати орқали намоен этишга ҳаракат қилган. Асарлари турли жанрларда яратилишидан қатъий назар, у ёшлар ҳаётини чуқурроқ таҳлил қилишга, шу йўл билан ортиқча насихатларсиз уларни тарбиялашга интилади.

Ёзувчи яратган ота-оналар образини ўзимизнинг яқинларимиздек яхши кўриб қолсак, асарларидаги ёшларни фарзандларимиздек эҳтиёт қилгимиз келади. Бинобарин Ўлмас Умарбеков асарларининг таъсирчанлик кучи ҳам мана шунда.

Ижод АҲМЕДОВ,
Тарих факультети ўқитувчиси.

Маънавият — инсоннинг, халқнинг, давлатнинг, куч қудратидир. У йўқ жойда ҳеч қачон бахт-саодат бўлмайди.
Ислом Каримов

Байрам мушоираси

МУҚАДДАС АЁЛ

Зилол сувга топдим гўзал бир тимсол.
Бешак айтаманки аёл бу аёл.
Бошидан тушмайди оқ ҳарир рўмол,
Юртим фариштаси муқаддас аёл.
Менга бердиларки шундайин савол:
Ким учун эгилар мунис мажнунтол?
Муқаддас сиймога айланар ҳаёл,
Минг бор айтайки аёл бу аёл.
Менга бердиларки яна бир савол:
Кимнинг яноғига ярашади хол?
Унга бу мўжиза келмайди малол,
Юртим фариштаси муқаддас аёл.
Бу гўзал дунёга қара, разм сол,
Ҳар неъмат азиздир бўлмасин увол.
Бу жон ила мавжуд шоҳ ҳатто қарол,
Бешак айтаманки аёл бу аёл.
Самимий кулгингла доим шодон қол,
Қалбим маликаси меҳрибон аёл.
Меҳрла айтилган ҳар сўзи ҳалол,
Юртим фариштаси муқаддас аёл.

НАВРЎ

Муродбахш тонг отмоқда,
Юртимга келар баҳор.
Қиш уйкуга кетмоқда,
Тип-тиниқ оқар анҳор.
Ўлкамда гўзал кўклар,
Кутиб олдик шодона.
Дастурхон бирам кўрклар,
Кайфият байрамона.
Дастурхонда сумалак,
Таомларнинг у шоҳи.
Кўкда ёрқин камалак,
Етти рассомнинг оҳи.
Янграр шўх-шўх тарона,
Миллий янги йил бугун.
Гулга тўлди ҳарёна,
Келди янги кун бугун.
Умидхон ҲОШИМҲОНОВ,
Тиббиёт коллежи
фармацевтика йўналиши
3-босқич талабаси.

МЕН ТОНГНИ КУТАМАН

Мен тонгни кутаман, кўёшни кўрмоқ,
Завқланмоқчун, тилларанг заррин нуридан
Мен тонгни кутаман худди шу тонгда
Фарзандимга меҳр берсам қалбим кўридан.
Мен кечни кутаман, фарзандларимнинг
Тонгдан буён эришган бахтин билмоқчун,
Тунни мен кутайман уйку чоғида,
Уларнинг тинч, сокин юзин кўрмоқчун.
Келажакни кутум шошилмай, қўсаб
Кўрмоқчун оилам бахтли онларин,
Кексаликни кутум, эшитмоқчун
Кулгисин завқланган набираларим.
Кутум кўришимни, аёлимни мен
Оппоқ сочили муннаввар момо бўлишин,
Оқ соқоли бобой, чол бўлганимда
Ўғилларим чинордек, тоғдек туришин.
Нени ҳам кутсамки, барчасин Оллоҳ
Ато этишини сўрагум ундан,
Оллоҳим бандасин тилагин ночор,
Қолдирмасин, ягона умидим шундан.

СЕН БОРКИ...

Оналар оёғи остида жаннат,
Сен борсан уйимиз жаннат мисоли,
Сен борсан хонадон чарогон, ёруғ,
Сен ўзинг жаннати хурлар тимсоли.
Ўғил қизларимнинг бори ўзингсан,
Менинг бор бисотим, хазинам дури,
Ҳаётимнинг мазмуни, умрим қувончи
Сенсиз хира тортар кўёшнинг нури.
Азизам, сен дилим, ҳамда кўзимсан,
Сен қувонсанг олам ҳам яшариб кетар,
Севганим, шодлигинг бир лаҳзасига
Бугун бир умримни алишсам етар.
Сен қувонсанг, мен ҳам қувонай,
Сен йиғласанг йиғлагайман мен,
Лекин ҳеч кўзларинг намга ботмасин,
Шодлик ҳамроҳ бўлсин, қувнаб юртин сен.
Ҳаётим атадим сенинг бахтингга,
Олиб бера олмасамда осмондан юлдуз,
Оллоҳдан сўрайман сенгу умру,
Фарзандларим бахтини кечаю кундуз.
Рустам ИБРАГИМОВ,
Жиззах тиббиёт коллежи ўқитувчиси.

ЭҲТИМОЛ

Илоҳий осмондан тўкилар ёмғир,
Ҳижрондан чириган хазон пойига.
Бу шундай ғурусиз, тобе бир фасл,
Япроқлар оқади тамга сойига.
Кипригим торини чертади шамол,
Булуғлар тўсади дийдор уйини.
Муҳаббат уч фасл гуллар эҳтимол,
Баргрэзон чалади қариш куйини.
Кўлмақлар тўпланган кўз ёш саркити,
Юзимнинг рангидан нусхадир хазон.
Муҳаббат кўйлаги ярашмай кўйган,
Куз ва мен,
Мен ва куз, биз битта мезон.
Мен судраб яшадим увиган қалбни,
Мен хажр уйида яшадим абад.
Бағрида иситиб кўяр эҳтимол,
Кўёш изхор этиб кетган муҳаббат.
Шоҳиста СОАТОВА,
Педагогика-психология йўналиши
3-босқич талабаси.

ОСОН ТУТМАНГ АЁЛЛАРГА!

Осон тутманг аёлларга осмон ўпар ғамлари бор,
Бу дунёдан этак силкиб кетар бир кун дамлари бор.
Чехрасида табассуми юзларида намлари бор,
Аёл қалби нидосини нелигини биласизми,
Сиз уларни чин юракдан чин юракдан севасизми?
Бахш этади ким жонидан ортиқ суйса,
Тошлардан ҳам қаттиқ бўлар агар унинг бағри куйса.
Ҳатто тоққа ларза тушар яшамокдан аёл сўнса,
Аёл қалби нидосини нелигини биласизми,
Сиз уларни чин юракдан чин юракдан севасизми?
Осон тутманг аёлларга ичга ютар оҳларини,
Эр йигит ҳам кўтаролмас унинг оғир юкларини.
Кўрганмисиз ширин сўздан қандай эриб кетганини,
Аёл қалби нидосини нелигини биласизми,
Сиз уларни чин юракдан чин юракдан севасизми?
Аёлларни азобларга етиб ортар бардоши бор,
Ёлғиз қолса юпанчлари — фарзандлари дарддоши бор.
Дарз тушмасин десангиз гар нозиккина юракларга,
Аёл қалби нидосини нелигига қулоқ беринг,
Сиз уларни чин юракдан, чин юракдан сева билинг.
Гулнора ЖҮРАҚУЛОВА,
Муסיкий таълим йўналиши 3-босқич талабаси.



АЛЛОМАЛАР ХОТИН- ҚИЗЛАР ҲАҚИДА

Аёлларга имкон қадар илиқ
муомалада бўлишга ҳаракат
қилдим.
Амир Темура.

Оналар оёғи остидадир
Равза жаннату жинон боғи,
Равза боғи висолин истар
эсанг,
Бўл онанинг оёгин тупроғи.

Бошни фидо қилғил ато
бошига,
Жисми қил садқа ано
қошига.
Тун — кунингга айлагали
нурфош,
Бирисин ой айла, бирисин
кўёш.
Алишер Навоий

Аёл оқилаю эр ишбилармон,
Демак, кундан-кунга обод
хонадон.

Хазина келтирган келиндан
зинҳор,
Тўғри, ростгўй келин
яхшироқ минг бор.
Хусрав Дехлавий

Аёл, бил лутфу ғимнатга
сазовор,
Гўдакдек меҳру-шафқатга
сазовор.
Носир Хисрав.

Хотин бўлса қобилу ақли
расо,
Эрин шоҳ этар, гарчи бўлса
гадо.
Саъдий Шерозий

Онангдан бош товлама,
ошмасин дарди,
Шараф тожи эрур оёгин
гарди.
Абдураҳмон Жомий

Сен гулсену мен ҳақир
булбулдурмен,
Сен шуъласену ул шуълага
мен кулдурмен,
Нисбат йўқтур деб ижтиноб
айламаким,
Шоҳмен элга, вале сенга
кулдурмен.
**Заҳириддин Муҳаммад
Бобур.**

Йигитнинг обрўйи яхши
заифдир,
Яхши заиф нокас эрга
ҳайфдир.
Махтумқули.

Бир кўрдим мен уни,
шунчалар гўзал,
Ойдан-да гўзалдир,
кундан-да гўзал!
Чўлпон

Аёлни сева билмаган одам
дунёнинг энг гўзал сирларидан
беҳабар ўтади.
Стендаль

Аёл эркак зотининг буюк
мурабийсидир.
А.Франс

Қиз боланинг жамики бойлиги
— унинг номуси, бу бойлик ҳар
қандай меросдан қимматлидир.
В.Шекспир

Аёл — буюк сўз. Ундан қизлик
мусаффолиги, дўстга хос фидо-
йилик, она жасорати мужассам-
лашган.
Н.А.Некрасов

ЎЛКАМИЗДА БАҲОР

Тоғлардан баҳорнинг нафаси келди,
Дилни яйратувчи шаббода елди.
Кўкка буй чўзмोकда майсалар энди,
Демак, ўлкамизга гулбаҳор келди.
Сайроқи кушларнинг шодон овози,
Жўр бўлар ҳофизлар ўйноқи сози.
Момолар — боболар мингдан — минг рози,
Демак, ўлкамизга гулбаҳор келди.
Баҳорнинг элчиси беради дарак,
Тоғда буй кўрсатиб чиқди бойчечак.
Пойингда ўт — ўлан, гуллар-у, чечак.
Демак, ўлкамизга гулбаҳор келди.
Осмонда кўринар рангли камалак,
Дошқозонда қайнар хушхўр сумалак.
Эзгу истакларни қилсам гар тилак,
Рўёбга чиқарар етти хур малак.
Кўнгилни яшнатсин, қолмасин губор,
Демак, ўлкамизга келди гулбаҳор.

ЯНГИ КУН КЕЛДИ

Ўлкамизга ажиб сепини ёйиб,
Кириб келди, баҳор келинчак мисол.
Ҳар ёнга таратиб муаттар ифор,
Яна баҳор келди, келинчак баҳор.
Дарахт шохларида мудроқ куртаклар,
Оромбахш куйлардан кўнгил энтикар.
Дилларни яшнатиб, кетказиб губор,
Яна баҳор келди, келинчак баҳор.
Табиат уйғонар, кўкарар майса,
Кўнгилни яшнатиб эсади шамол.
Нақадар ёқимли кўрсатиб рухсор,
Яна баҳор келди, келинчак баҳор.
Янгиланиш фасли, яшариш фасли,
Наврўзи олам бу янги кун асли.
Ҳар йили келади такрор ва такрор,
Яна баҳор келди, келинчак баҳор.
Дилфуза ИШОНҚУЛОВА,
Бошлинғич таълим ва спорт тарбиявий иш
йўналиши 2-босқич талабаси.

ҲАЁТ

Ҳаёт жуда гўзал, бетакрор десам,
Ҳаммаси ўқинчи бир синов экан.
Дўстларни ўзимдек вафодор десам,
Тўсатдан товонга санчилди тикан.
Босган қадамлардан гул унар десам,
Янглишган эканман бу борада ҳам.
Гуллар сўлиб қолди изим ортида,
Иллар ўтиб кетди бу орада ҳам.

Бу олам барчага кенг ошён албат,
Қалби тор инсонга бу дунё ҳам тор.
Жисмда маҳфуздир кўп сир-синоат,
Гоҳи дўстининг бир меҳрига зор.
Саодат, шодлиқлар умрбод десам,
Бу ҳам умрдайин экан омонат.
Алқисса, бу дунё бир кам дунёдир,
Мурувват эшигин ёлмагин фақат.
Юлдуз ЖУМАНОВА,
Биология ўқитиш услубияти йўналиши
1-босқич талабаси.

ЗИҲО ЧАШМАСИ

МУАССИС:

Абдулла Қодирий номидаги
Жиззах давлат педагогика
институтини

Бош муҳаррир: Абдукарим ШАРИПОВ

Редакцияга келган хатлар
тахлил этилмайди ва
муаллифларга қайтарилмайди.

Муаллифлар фикри таҳририят
нуқтаи назаридан фарқланиши
мумкин.

Газета Жиззах вилоят Матбуот ва
ахборот бошқармасида 2006 йил 26
декабрда 06-017 рақами билан рўйхатга
олинган.

Босишга топширилган
вақти — 19.00 Топширилди — 18.00
Навбатчи: М. Абдуллаев

Манзил: Ш.Рашидов шоҳ кўчаси,
Абдулла Қодирий номидаги Жиззах
Давлат педагогика институтини.

«JIZZAX POLIGRAF NASHR» МЧЖ босмахонасида офсет
усулида 6276 нусхада босилди. Манзил: Жиззах шаҳри,
Сайилжойи кўчаси, 4-уй. Буюртма № 51. Shaki- A-3.